

И. С. Байджанов

# Хоразм Маъмун академияси ўтмишида ва ҳозир

Хоразм Маъмун академияси ташкил  
топганлигининг 1000 йиллигига  
боғишланади



Ибадулла Байджанов

**Хоразм Маъмун академияси  
ўтмишда ва ҳозир. Хоразм  
Маъмун академияси  
ташкил топганлигининг  
1000 йиллигига боғишиланади**

«Издательские решения»

**Байджанов И. С.**

Хоразм Маъмун академияси ўтмишда ва ҳозир. Хоразм Маъмун  
академияси ташкил топганлигининг 1000 йиллигига боғишиланади  
/ И. С. Байджанов — «Издательские решения»,

ISBN 978-5-44-832622-6

Ушбу илмий маърифий тўпламга Урганч қурилиш касб-хунар коллежида  
Урганч Давлат Дорилфунуни олимлари билан ҳамкорликда Хоразм  
Маъмун академияси фаолиятига оид бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман  
материаллари киритилди

ISBN 978-5-44-832622-6

© Байджанов И. С.

© Издательские решения

## Содержание

МУҚАДДАС ДАРГОХ	7
Конец ознакомительного фрагмента.	10

# Хоразм Маъмун академияси ўтмишда ва ҳозир

## Хоразм Маъмун академияси ташкил топганлигининг 1000 йиллигига боғишиланади

### Ибадулла Самандарович Байджанов

© Ибадулла Самандарович Байджанов, 2016

© Рустам Ибадулаевич Самандаров, фотографии, 2016

*Редактор* Абдулла Сафоев

*Корректор* Махмуд Ибадулаевич Самандаров


*Корректор* Бахром Ибадулаевич Самандаров

ISBN 978-5-4483-2622-6

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero

Хоразм Маъмун академияси ташкил топганлигининг

1000 йиллигига бағишилаб ўтказилган“Хоразм Маъмун академияси: ўтмишда ва ҳозирда»  
мавзусидаги илмий- амалий анжуман материаллари



#### Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишиланади

Хоразм Маъмун академияси илм-маърифат сарчашмаси. Ўзбек халқи довруғини дунёга танитган муқаддас маскан.

Ушбу илмий маърифий тўпламга Урганч қурилиш касб- хунар колледжида Урганч Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда Хоразм Маъмун академияси фаолиятига оид бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман материаллари киритилди.

Тўплам тарихчи, қадимшунос, филолог ва биолог олимлар, қишлоқ, сув хўжалиги, меъморчилик, қурилиш мутахассислари ҳамда талабаларга мўлжалланган.

Сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи меъморчилик фанлари номзоди  
И. С. Байджанов.

Тахрир ҳайъати:

И. С. Байджанов,  
Қ. Собиров,  
М. Жуманиёзова,  
А. Сафоев.

Тақризчи: Р. Йўлдошев

Жамоавий тўплам. «Хоразм Маъмун академияси ўтмишда ва ҳозир». Нашрга тайёрловчи  
И. С. Байджанов.

Тўплам Урганч қурилиш касб-хунар коллежи ҳамда Урганч Давлат университети  
илемий кенгашлари томонидан муҳокама қилиниб, маъқулланган ва нашр қилиш учун тавсия  
қилинди.

**Хоразм вилоятида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар,  
келажагимизнинг пойдеворини барпо этиш, ҳаётимизни  
янада обод қилиш йўлидаги асосий бунёдкорлар  
мана шу юртнинг заҳматкаш, қўпни қўрган, эртанги қунга  
катта ишонч билан қараб яшаётган ҳалқдир. Бу ишга  
ўзининг ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётган  
ҳар бир юртдошимиздир.**  
**Ислом КАРИМОВ**

## МУҚАДДАС ДАРГОҲ Сўз боши

Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафий ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқлаидан бири эканлиги қувончли воқеадир. Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита илм фан, шу билан бирга мөъморчилик санъатининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Мухтарам Президентимиз 1997 йил 20 октябрда бутун дунё миқёсида нишонланган қадим Хиванинг 2500 йиллик юбилейига бағишиланган тантанали маросимда сўзлаган табрик нутқида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари қатори бетакрор тарихий обидалар, иморатлар бунёдкорлари шаънига ҳам илиқ сўзлар, қимматли фикрлар билдирган эдилар. Юртбошимиз шу анжуманда одамзод тарихидаги илк академия бизнинг заминимизда ташкил топганлигини алоҳида таъкидлаб, уни қайтадан ташкил этиш кўп улуғ иш бўлишини эътироф этган эдилар. Орадан кўп ўтмай 1997 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Ре спубликаси Пре зидентининг «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Хива шаҳрига кираверишдаги ажойиб тарихий обида-Қўша дарвоза билан ёнмаён жойлашган салобатли, муҳташам бинода мана тўққиз йилки, Хоразм Маъмун Академияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллигимиз шарофати, юртбошимиз ташаббуси, саъй харакатлари билан қайтадан ташкил этилган бу академия республикамиз илм ахли, айниқса хоразмликлар учун кенг имкониятлар яратди. Ўзбекистонимизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, уни жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда илм- фанни янада ривожлантириш, истеъоддли, қобилиятли, элим деб, юртим деб ёниб яшашга қодир фидоий олимларни қўллаб-қувватлаш, миллӣ урф-одат, қадриятларимизни улуғлаш, Ватанимиз тарихини чукур ўрганиш, боболаримиздан қолган бой меросни асрраб-авайлашда академия фаолияти мухим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хоразм дунё маданий тараққиётига салмоқли улуш қўшган, ўзининг бой тарихи, юксак маънавияти, ноёб обидалари, хунарманд- чилиги, дехқончилиги билан жаҳонга танилиб келаётган муқаддас заминидир. Хоразм ўзбек давлатчилигига асос солинган, дунё халқлари- нинг қўлёзмаси «Авесто» асари яратилган табаррук диёрдир. XII – XIV асрларда элимизга ташриф буюрган араб сайёҳлари Ёкуб Ал Хамавий, Ибн Батуталар дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек олийжаноб, маърифатпарвар, хунарманд, меҳмондўст элни кўрмадим деб ёзиб қолдириганлар. Дарҳақиқат, дунё илм фанига асос солган буюк сиймолар, донишманд алломалар Хоразм фарзандлари, Хива дилбандлари. Бутун жаҳонда ҳар куни, ҳар соат, ҳар лаҳзада миллионлаб кишилар мурожаат қилиб келаётган-Ал жабр, алгоритм алгебра фанига хоразмлик буюк аллома Мухаммад Мусо Ал Хоразмий асос солган. Ер шари глобусини бизнинг ватандошимиз Абу Райхон Беруний (Маъмун Академиясининг илк раҳбари) яратган. Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини Христофор Колумбдан 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоқи унинг харитасини чизиб қолдириган ҳам Абу Райхон Беруний хазратлари бўладилар. Мана бу эътирофга эътибор беринг: «Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзиди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган Маҳмуд Аз Замахшарийдек алломани дунёга келтирди». (Ибн Ваххос-Маккаи Мукаррама Амири). Замахшарий элликдан ошиқ нодир асарлар ёзиб қолдириган. Араб грамматикасига асос солган. «Жоруллоҳ» яъни «Худонинг қўшниси» деб эъзозланган.

Шайх Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Мунис, Аваз Үтар, Комил Хоразмий, Сайид Муҳаммад Раҳимхон Соний- Феруз каби буюк сиймолар, ардоқли алломалар шу табарруқ заминда яшаб камол топганлар.

Х аср охирида-1004 йилда ташкил килинган «Дорул-хикма» Маъмун Академиясида ҳам Шарқнинг қўплаб илм соҳиблари турли фан йўналишлари бўйича қатор изланишлар олиб бориб, ўз фаолиятлари билан жаҳон илм фани ривожига муносиб хисса қўшдилар. Хоразм Маъмун Академияси сардори ва раҳномаси Абу Райхон Беруний «Минерология», «Геодезия», «Ҳиндистон» каби бир юз элликдан ошиқ ноёб асарлар ёзиб қолдирди, юқорида таъкидлага-нимиздек буюк қашфиётлар яратди. Абу Али Ибн Сино ўзининг қатор асарлари, жумладан, дунёга машҳур «Тиб қонунлари» асарини айни Маъмун Академиясида ишлаб юрган кезлари ёзган. Абу Саҳл Масихий, Абулҳайр ибн Хаммор, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Ибн Масковайх, Умар Исфаҳоний, Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим ан-Нотилий (Ибн Синонинг хоразмлик илк устози), Ибн Ироқ, Журҷоний, Муҳаммад ас Саорибий каби ўнлаб етук алломалар Маъмун академиясидаги фаолияти билан жаҳон илм-фани тараққиётига улкан улуш қўша олдилар. Астрономия, кимё, риёзиёт (математика) тарих, фалсафа, табобат фанларини айниқса юқори даражада ўрганиб, бошқаларни ҳам баҳраманд этганлар. Маъмун Академияси алломалари-нинг яратган асарларидан тараалётган нурафшонлик, ёғду, зиё асрлар ўтсада истиқболга хизмат қилаётганлиги, мамлакат равнақи учун дастуриламал бўлиб қолишидан далолат бериб турибди.

Ўтган қисқа йиллар ичида Хоразм Маъмун Академиясида сезиларли, муайян ишлар амалга оширилди. Академия таркибидаги «Археология, тарих ва фалсафа» бўлимида «Хоразмда қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги», «Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни», «Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш» бўйича илмий изланишлар олиб борилди. Хива хонлигига асос солиниши, шу даврлардаги ижти-моий, иқтисодий вазиятлар, Хива хонлиги давлатчилигидаги бошқарув тизими, давлат хужжатлари, шу жумладан чет элларда Хива хонлигига оид архив хужжатлари, илмий мерос чуқур ўрганилмоқда. «Биология муаммолари» бўлимида эса «Хоразм воҳаси тупроқ-икълим шароитида истиқболли, серҳосил, касалликларга ва зааркунданаларга чидамли ўсимликлар навла-рини ўрганиш ва яратиш», «Хоразм вилояти шароитида асосий оралиқ, такрорий экинлар парвариши самарали технологиясини жорий қилиш», «Маккажўхори уруғчилиги тизимини барпо қилиш», «Қуий Амударё минтақаси тупроқларининг сув-туз режимини яхшилайдиган колек-тор- заҳкаш тизимларининг иш режимини бошқариш усувларини ишлаб чиқиш» каби мухим мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Академияда фанга нобюджет маблағларни кенг жалб қилиш, хорижий илмий марказларнинг фаолиятидан кенг фойдаланиш ва хўжа- лик шартномалари асосида бажариладиган ишларга эътибор кучайти- рилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олимларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўқув дастурлари, қўлланмалар яратишда олий ва ўрта таълим тизими билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Академия қошида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи «Доривор ўсимликлар боғи» ва «Планта» илмий ишлаб чиқариш маркази мавжуд. 26 илмий ходим, шу жумладан 5 фан доктори, 9 фан номзодлари мухим мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қабул қилган қарори бутун элдошларимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Шу асосда алоҳида тадбирлар, режалар белгилаб олинган эди. Уларни амалга ошириш тезкорлик, изчиллик, уюшқоқлик ва энг асосийси юқори сифат, юксак дид билан олиб борилди. Урганч аэропортидан то Хивага келгунча катта магистрал йўл таъмирланди. Хоразм Маъмун Академияси биносининг ичкариси ва ташкариси ҳам дунё андозалари асосида тўла таъмирланди. Янги жиҳозлар, ускуналар, ўқув қўлланмалари, кўргазма- ли воситалар келтирилди. Энг замонавий компьютерлар олимлар, тадқиқотчilar хизматида. Республикадаги ва академиянинг ўзидаги нашриётларда юбилейга бағишиланган китоблар, буклетлар,

плакатлар чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Урганч Давлат Дорил- фунуни, Урганч қурилиш кассб-хунар коллекции, Хива педагогик касб- хунар коллекции ҳамда ЮНЕСКО ҳалқаро жамияти билан ҳамкорликда қатор илмий анжуманлар ўtkазилди. Дунёнинг 20 дан ортиқ кутубхоналари ва музейларида мавжуд Академия ҳаётига оид хужжатлардан нусхалар олинди.

Кенг миқёсда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, бунёд- корлик ишлари олиб борилди. Академия биноси билан ёнма-ён аллома- лар хиёбони, амфитеатр барпо этилмоқда. Боғ, гулзорлар яратилди. Фавворалар ўрнатилди. Чиройли панноларда Республикализнинг мустақиллик йилларида ютуқлари, Ўзбекистонимизнинг жаҳонаро нуфузи намоён бўлиб турибди.

Хоразм Маъмун Академияси юбилеи муносабати Хивада «Компьютер технологиялари касб-хунар коллекции» қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Хива меҳмонларга мунтазир. Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар, миллати- миз фахри, Шарқ гавҳари бўлган Хива бағрида яна бир улуг байрам- Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги тантаналари шукухи қалбларимизни яйратади, дўстligимизни мустаҳкамлади, меҳнат ғалабаларига, ижодга унрайди.

Истагимиз-бундан бўён ҳам Ўзбекистонимиз довругини ошириш йўлида хормай-толмай фаолият кўрсатиши, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, буюк келажагимизни яратиш ишига муносиб ҳисса қўшиш! Бу борада республикамиздаги нуфузли илм ва касб-хунар даргоҳларидан бири бўлган бизнинг Урганч қурилиш касб-хунар даргоҳимиз ҳам қизғин ва жўшқин фаолиятини изчили давом эттирмоқда. Буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларини тайёрлаш учун бутун куч-имконият, тажриба ва билимларимизни ишга соламиз.

Ахил жамоамиз педагоглари, мутахассислари, талabalari чукур ҳис қиладилар, яхши биладиларки бизнинг бекиёс воҳамиз, гўзал, табаррук, муқаддас юртимиз азалдан ўзининг бунёдкорлик ишлари намуналари, муҳташам иморатлар, иншоотлар, ноёб меъморчилиги билан жаҳон аҳлини лол қолдириб келмоқда. Бу бежиз эмас албатта. Қурилиш ва меъморчилик ривожланиб, юксак чўққиларга чиқиши, оддий иморат ёки иншоот эмас, балки нафис санъат асарига айланлиги аждодларимиз илм-фан сирларини чукур билганлигидан далолат беради.

2006 йилда инсоният тарихидаги илк илм маскани – Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги кенг нишонланади. Ана шундай хайрли ишга ўкув юртимиз жамоаси ўзининг муносиб тухфалари билан ўз ҳиссасини қўшмоқда. Юбилей арафасида нашрдан чиқкан «Шаҳар мухити ва уни ташкил этиш» номли рисола бу йўлдаги қадамлардан бири бўлган бўлса, 2006 йил 28 апрель куни коллеж педагогик жамоаси ва Урганч Давлат университети билан ҳамкорликда ўтказилган илмий- амалий анжуман материалларини ўзига жамлаган ушбу тўплам ёшларга, олий ва ўрта маҳсус таълим юртларида таълим олаётган талabalарга ва илм изловчи ҳар бир кишига Ватанимиз бой тарихини ўрганиш ва келгуси авлодларга етказишида амалий аҳамиятга эга бўлиб қолишига ишонч билдираман.

Таниқли олимлар билан бир қаторда эндиғина ҳаётга қадам қўяётган ёш талabalарнинг ёзган илмий мақоласи, ишлаган портретлари ҳам ушбу тўпламга киритилгани уларни келгусида буюк аждодларимиз изидан бориб, илм-фан чўққиларини эгаллашларига ёки мукаммал санъат асарлари яратадиган меъморлар, рассомлар бўлиб етишишларига умид уйғотади.

## **Конец ознакомительного фрагмента.**

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.